

# Авратни тўсиш намознинг шартларидан биридир | Ҳадис дарслари (296-дарс)



19:00 / 28 август 668

«Аврат» инсоннинг уят жойи маъносини билдириб, намоз ўқиганда ўша жойларни тўсиш лозим. Акс ҳолда намоз қабул бўлмайди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا خُذُوا زِينَتَكُمْ

مَسْجِدِكُمْ إِذْ تَدْعُونَ فِيهَا لِلَّهِ

Аллоҳ таоло:

«Эй Одам болалари, ҳар бир масжид ҳузурида зийнатингизни олинг»  
(Аъроф сураси, 31-оят).

# فَطَهَّرْ وَثِيَابَكَ : لِقَاوُ

Ва яна:

«**Ва кийимингни покла!!!**» (Муддассир сураси, 4-оят) деган.

**Шарҳ:** Бу оятдаги «зийнатингизни олинг» деган амр «авратингизни тўсинг» маъносидадир. Шунинг учун авратни тўсиш намознинг шартларидан бири бўлиб қолган.

هُلِّلَا يَضَرَّ رِيْرَهُ يَبَا نَع  
يَلَا لُجَرَ مَاق : لِقَاوُ هُنَع  
هُيَلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبَّنَلَا  
ةَالَّصَلَا نَعُ هَلَّأَسَفَ مَلَّسَو  
: لِقَاوُ فِ دِحْ أَوْلَا بُوْثَلَا يِف  
هُ أَوْر . ؟ نِي بُوْثُ دِجِي مُكَلُّكَوَأُ  
يِ ذِمَّرْتَلَا أَلَا ةَسُمَخَلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб турди-да, битта кийимда намоз ўқиш ҳақида сўради. Бас, у зот:**

«Ҳаммангиз ҳам икки кийим топа олармидингиз?» дедилар».

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Бу ривоятдан эркак киши авратини тўсиб турадиган битта кийим билан намоз ўқиши мумкинлиги келиб чиқади. Агар кўйлак ҳам, иштон ҳам бўлса, янада яхши. Аммо битта бўлса ҳам жоиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўровчига:

«Ҳаммангиз ҳам икки кийим топа олармидингиз?» дейишларидан ўша пайтда саҳобаи киромларнинг кийимлари етарли бўлмаганлиги кўринади.

لُجْرَ لَأَسُّمُثُ ۖ يِرَاخُبُلَا دَاوُ  
هَلَلَا عَسَّوَاذِي ۖ لَأَقَفَ رَمُع  
هَيَلَعُ لُجْرَ عَمَج ، اوعسُ وَاْف  
رَاوِي فُ لُجْرَ يُّلَصُ هَبَايْث  
ي فِ ۖ صِي مَقَوِ رَاوِي ي فِ ۖ ءَادِرَو  
لِي وَاَرْس ي فِ ۖ ءَابَقَوِ رَاوِي  
ۖ صِي مَقَوِ لِي وَاَرْس ي فِ ۖ ءَادِرَو  
ي فِ ۖ ءَابَقَوِ لِي وَاَرْس ي فِ  
نَّابُت ي فِ ۖ ءَابَقَوِ نَّابُت

# يَفَلِّاقُ هُبْسِحًا وَصِيْمًا قَو ءَادِرَوْنَ أَبْت

Бухорий зиёда қилади:

**«Сўнгра бир одам Умардан сўради. Бас, у:**

**«Қачон Аллоҳ кенг қилса, сизлар ҳам кенг бўлинглар. Одам кийимларини эгнига жам қилди. Одам изор (лунги) ва ридо билан, изор ва кўйлак билан, изор ва қабо билан, шалвар ва ридо билан, шалвар ва кўйлак билан, шалвар ва қабо билан, туббон ва қабо билан, туббон ва кўйлак билан намоз ўқийверади», деди. Менимча, яна «Туббон ва ридо билан» ҳам деди».**

**Шарҳ:** Бу савол ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида берилган бўлса керак. У киши розияллоҳу анҳу кийим қанчалик яхши бўлса, намоз учун шунчалик яхшилигини баён қилиб бермоқдалар.

Бу ривоятда ўша пайтда кенг тарқалган кийимларнинг номлари зикр этилмоқда.

**«Лунги»** – эркак киши белидан пастига тутиб оладиган чойшабга ўхшаш нарса. Араб тилида у «изор» дейилади. Бу кийим иссиқ ўлкаларда кенг тарқалган.

**«Қабо»** – олди очиқ яқтакка ўхшаш узун кийим.

**«Туббон»** – аврат жойинигина тўсадиган калта иштонга ўхшаш кийим.

Умумий тавсия бўйича намозга пок, авратни тўсадиган кийимлар бўлаверади. Иложи борича, яхши кийимлар бўлса, янада яхши.

Юқорида ўтган:

**«Эй Одам болалари, ҳар бир масжид ҳузурда зийнатингизни олинг»** деган оятни баъзи кишилар энг зийнатли кийимларни кийиш, деб тушунганлар ва намоз учун алоҳида кўркам кийимлар тиктириб қўйганлар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**